

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Болалар ёзи



ОРОМГОҲДАГИ МАРОҚЛИ КУНЛАР

Инсонпарварлик тамойили устувор бўлган мамлакатимизда ҳар бир савб-ҳаракат эзгулик, хайр-саховат, мурувватга йўғрилган. Одамларнинг кўнглига йўл топиш, уларга қувонч, шодлик улашиш Олмалик шаҳар Қизил ярим ой жамияти аъзоларининг кундалик юмушига айланган. Айниқса, ёзги дам олиш мавсуми бошлангани билан болажонлар хизматида бел боғланди.


Кенгаш раиси Дилфуза Аҳмедова болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришга ўз ёрдами аямаётган саховатли хомийлардан жуда миннатдор эканлигини таъкидлаб, шундай дейди:
— Болалар бизнинг келажакимиз. Уларни ар-

доқлаш — келажакнинг тамал тошини қўйиш демакдир. Болаларнинг ёзги таътиллари тўғри ташкил этиш мақсадида хомийлар ёрдами билан шаҳримиздаги 18-, 20-, 80-мактабларда ташкил этилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳ-

ларида 300 нафар кам таъминланган оила фарзандлари бепул дам олдирилди.

Уларнинг ёз фаслини мароқли ўтказишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бунинг учун Қизил ярим ой жамияти томонидан 1 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА. СУРАТЛАРДА:
18-мактаб ўқувчилари машғулот пайтида.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



Маънавият

"Зумрад ва Қиммат" эртаги эсингиздами? Соҳрар кампирининг ертўласида иккита: қизил ва оқ эшик бўлади. Яхши хулқи, ақл-идроқи, одоб билан кампирининг қозонган Зумрад қизил эшикдан кириб, қизил сандиқни қўлга киритади. Эрка, тантиқ Қиммат эса ўзининг калтабиллиги, эркатойлиги, ноқобилиги бос оқ эшикдан кириб, оқ сандиққа эга чиққади. Эртақ қандай ақун топгани эса ҳаммамизга яхши маълум.

ҚИСМАТ ЭШИКЛАРИДА АДАШМАНГ...

Аслида эртақларда халқнинг миллий қиёфаси, қадриятлари, инсоний фазилатлари, эзгу орзу-умидлари мужассам бўлади. Бир қараганда бу эртақ ҳам инсон ҳаёти, ибтидо ва интихосини ўзида акс эттирганга ўхшаيدди. Ундаги гоа аён: эканнингни ўрасан! Ҳаётда ҳам шу — ёмонлик уругини қадаб, яхшилик хосилини йиғиб бўлмайдди. Қисматнинг ўзи хар қимчи ўз феъли, қилмишига муносиб эшикка йўналтиради. Узокни қўра билладиган, оқил, соғлом фикрли инсонлар албатта бахт ва саодат эшигига рубарў келадилар. Калтабин, енгил-елпи ҳаётга учган, оғирнинг устида, енгилнинг остида юриб ўрганган, очқўз ва мунофиқ кимсаларнинг ҳам ўз борар эшиги бор.

Қизил эшик
Азалдан халқимиз фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келади. Зурриёти келгусида ўзи эриша олмаган ютуқларни қўлга

киритишини, юксак марраларни забт этишини истаиди. Ана шу эзгу фазилат ҳукуматимизнинг ёшлар камолотига қаратилган сиёсатда ҳам ақвол ўз ифодасини топган. Юртбошимиз таъкидлагандек, фарзандларимиз биздан қўра доно, қучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Ана шу эзгу мақсадда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, бошқа бир қатор меъриёрий ҳужжатлар ёшларимизнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-хунар сирларини ўрганиши, маънан ва жисмонан чинқиши учун пухта пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ФИЛЬМ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Зангиота туманида ҳойлашган ҳарбий қисмда "Маънавиятимизга таълим — ўзлимиз ва келажакимизга таълим" мавзусида тadbир бўлиб ўтди.
Анжуманда "Маънавият ва соғлом турмуш тарзи", "Диний экстремизм ва фундаментализм — тараққиёт душмани", "ОИТСнинг профилактикаси", "Гиёҳвандликка қаршилик — соғлом турмуш тарафдоримиз" сингари мавзуларда маърузалар тингланб, "Қил устида" фильми намойиш этилди.

"Туркистон-пресс".

ДЕНГИЗ БЎЙИДА БАЗМ

Бугун мустақиллик шарофати билан қайта қадр топиб, жаҳон бозорини беэаб турган миллий матоларимиз — адрасу атлас, кимхоб-шайлар жилваси кимларни мафтун этмаган, дейсиз. Айниқса, дунёга машҳур модельерлар коллекциясидан муносиб ўрин эгаллаган мил-

Вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят "Пилла" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ўтказилган тadbир айнан ана шу захматкаш, фидойи пиллакорларни муносиб таъдир-

лаш, рағбатлантириш мақсадида уюштирилди. Унда вилоятдаги ўн битта пилла етиштириладиган туман ҳокимлари уринбосарлари — хотин-қизлар кўмитаси раислари

бошчилигида 600 нафар пиллакорлар, пиллахоналар, фермер хўжалиқлари раҳбарлари, ҳосилотлар иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали олдидан

ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ МУСИҚА АНЖУМАНИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан аъёнани тарзда Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали юртимизда миллий санъат соҳасида эришилган ютуқларни дунё миқёсида тарғиб этиш, янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, ҳар томонла-

— Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёшларни эзгу фазилатлар соҳиб этиб тарбиялаш, улар онги ва қалбига ҳаётбахш гоёларни сингдириш баробарида турли халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, эзгулик, меҳр-мурувват ришталарини мустаҳкамлашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқисбдир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳалар қаторида миллий мусиқа санъатимизни янада ривожлантириш, унинг бетакдор ва ноёб аъёнани тартиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аъёнани тарзда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бугун бу фестивал йирик ва нуфузли мусиқа анжумани сифатида жаҳон эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

Юртимизда қадим-қадимдан санъат, адабиёт, маданият гуллаб-яшнаган. 2007 йилда "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалида жаҳоннинг элдиган зиёд мамлакатидан келган иштирокчилар, санъатшунослар, мусиқа ихлосмандлари бунга яна бир қара ишонч ҳосил қилганди. Ушбу санъат байрами тadbир иштирокчиларининг барчасида ўчмас из қолдирган, десам, муболага бўлмайдди. Негаки, меҳмонлар халқимизнинг санъати, маданияти, куй-қўшиққа ошнолиги, ҳурмат ва эътироми шаҳарларимиз каби қадимий ва умрқоқий эканига яна бир бор гувоҳ бўлдилар.

Фестиваль қўллаб иштирокчиларнинг кўна Самарқанд билан танишиш орзусини рўёбга чиқармоқда. Меҳмонлар мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган асрларга татигулик бунёдкор-

лик ишлари, халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятини ўз кўзи билан кўриб, юксак баҳо бермоқда. Улар юртимизда санъат ва маданият равнақи йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жуда ҳавас билан қараганларининг гувоҳи бўлдик.

Уша йили фестивалда Алишер Навоий газали билан айтулвчи "Эй сабо", "Гулзулим", шунингдек, "Ул ким, жоно" каби мумтоз қўшиқларни ижро этдим. Бу қўшиқлар турли миллат ва элат вақиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу, аввало, Шарқ мусиқасининг узвий ва ажралмас қисми бўлган мумтоз қўшиқчилик санъатимизнинг хозираси, сеҳри, бетакдорлиги билан боғлиқдир. Негаки, мумтоз мусиқамиз киши руҳини, кайфияти, маънавиятига ижобий таъсир ўтказиш қудратига эга. У инсонни покликка, эзгуликка,

Манал Шах АЛКАДРИ:

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАМЛАКАТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидан Фавқуллода ва мухтор элчиси Манал Шах Алкадри билан суҳбатлашдик.



— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истикболи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги юксак ҳурмат, ишонч ва мустаҳкам дўстлик тамойилларига асосланган алоқалар узоқ даврларга бориб тақалади. Асрлар давомида синалган ўзаро дўстона муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янги мазмун касб этиб, жадал тараққий эта бошлади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлмоқда. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буорди. Бу ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини йил сайин кенгайтиб бормоқда. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол иш юритиши учун яратилган қўлай сармоявий муҳит ҳамда кенг имтиёз ва имкониятлар Ҳиндистонлик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора оширмоқда. Мамлакатимиздаги ҳинд сармоядорлари иштирокчида турзилган қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истикболи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистонда истиклол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар самараларида юксак муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистон — дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган мамлакат. Юртингиздаги айрим муқаддас қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидалар истиқлолдан олдинги қаровсизлик ва эътиборсизлик қўбатида вайронга айланган эди. Халқимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қисқа муддатда аждодлардан қолган бой маданий ва маънавий меросини асл ҳолида тиклаш, кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида ҳавас қилса арзиғулик улкан ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда мамлакатимиз муваффақиятли ташқи сиёсати ва юксак тараққиёт даражаси билан халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофи ва эътиборига

сазovor бўлди.
— Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳақида қандай фикрдасиз?

— "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали жаҳон мусиқачиларини бир жойга тўплаш баробарида турли халқлар маданий меросини янада бойитишга хизмат қилаётди. У, шунингдек, санъат арбобларига бир-бирининг ижоди билан ақиндан танишиш ва мулоқотда бўлиш имконини бермоқда.

Ҳажонга довруғи кетган мазкур халқаро фестивалда Ҳиндистонлик созанда ва хонандаларнинг иштироки аъёнага айланган.

— Мамлакатимизда жорий йили Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Пойтахтимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида нима дея olasиз?

— Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Сўнгги йилларда Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада гўзаллашди. Эски бинолар ўрнига янгилири қад ростлади. Замонавий, мухташам осмон-ўпар бинолар ва мажмуалар шаҳар кўрғига кўрк қўшмоқда. Президент Ислам Каримовнинг пойтахтингизни жаҳоннинг юксак тараққий этган, энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш борасидаги эзгу ишларига ҳавас қилса арзийди.

Уша муҳбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

Саломатлик ҳафталиги

Шу йилнинг 19 июлигача юртимизда фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги эълон қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ вилоятимизнинг Янгийўл, Паркент ҳамда Бекобод туманларида тиббий кўрик ўтказилмоқда.

КўРИК САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Тadbирга Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан малакали мутахассислар жалб этилган. Жумладан, Республика акушерлик ва гинекология илмий-тектириш институтидан тиббиёт фанлари доктори, профессор Д. Алиева, 2-перинатал марказидан М. Абдусаматова, Республика перинатал маркази ултрауловуш тектириш мутахассиси Н. Любичин ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р. Хайитбоевалар ҳафталик давомида ўзларининг керакли маслаҳатлари билан иштирок этаётирлар.

Мазкур ҳафталикни ўтказишдан мақсад фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, қолаверса, чекка қишлоқларда репродуктив саломатлиқни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом оилани шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари мутахассисларининг билим ва малакаларини ошириш ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган.
Учқун ҲАМДАМОВ.

ДЕНГИЗ БЎЙИДА БАЗМ

Зотан, улар вилоятимизнинг 1519 тонналик пилла хирмонининг бунёдкори бўлди. Улкан пилла хирмонини яратишда жонбозлик кўрсатиб, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказган Бўка, Чиноз, Оккурдон туманлари хотин-қизлар кўмиталари раисларига 3 миллион сўмдан пул мукофоти, 11 нафар фидойи пиллакорга вилоят хокимлигининг қимматбахо совғалари топширилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган 600 нафар пиллакорнинг ҳар бири муносиб рағбатлантирилди.

Пиллачилик ҳақида гап кетганда, айниқса, аёлларимизнинг матонатига қойил қолмай илож йўқ, — деди вилоят хокими ўринбосари Соҳиб Абдуллаев. — Ипак куртларининг қумуш толага айланган давридаги тунни кунга, кунни тунга улоччи югур-югурларига, яна оила таъбири, фарзанд тарбиясига вақт топшига улгурадиган аёлларимизни ҳар қанча эъозласак кам.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Бўка тумани хокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Никола Раҳмонова шундай деди:

Бугунги тадбир захматқаш аёлларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Меҳр-оқибат жилвалари пордаб турган чехраларга боқиб, дилинг ярайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Меҳнатнинг тағи роҳат» деганлари шу. Ўзбекистонимиз доврўғини тараққий этган шойи-ипаклар, адрасу кимхоблар, ял-ял товланиб турган атласлар биз етиштирган пилла ипагидан тайёрланганини уйласам, гурурланиб кетаман.

Ҳар йилги пилла мавсумини алоҳида тайёргарлик билан кўтиб оламиз, — дейди Куйичирчиқ тумани «Тўраев Нур» фермер хўжалиги пиллакори Гулсум Мирзахмедова. — Вилоятимизнинг залворли «қумуш тола» хирмонида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини ҳис этиш гоят мароқли. Боз устига меҳнатларимизни бугунгидек юксак даражада қадрлиниши



барчамизга куч-қувват бағишлайди.

Ҳақиқатан ҳам, вилоятимизнинг энг сўлим ғўшаларидан бири — Тошкент денгизи бўйидаги ажойиб байрам, тўкин дастурхон пиллакорлар кўнглини тоғдек кўтарди. Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоирнинг аёлларимиз, оналаримизни улўғловчи шеърлари, Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комиллов, Зулайхо Бойхонова, таниқли санъаткорлар Топшўлул Матқаримов, Бахтиёр Султонов ҳамда «Шош навалари» дастаси иштирокчиларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Сайёра РИХСИЕВА «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



Суратларда: вилоят пиллакорлари шарафига уюштирилган байрам кечасидан лавҳалар.



Даврон АҲМАД олган суратлар.

Марказий офицерлар саройида «Балли йигитлар» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Республика Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танлов ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, юртимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаоллигини янада кучайтиришга қаратилган.

«БАЛЛИ ЙИГИТЛАР» ТАНЛОВИ

Ушбу танловда саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган Жанубий-ғарбий маҳсус ҳарбий округининг «Фазо», худудлардаги ҳарбий қисмларнинг «Канотли шамширлар», «Водий шунқорлари» ҳамда Тошкент ҳарбий округининг «Десантчи» гуруҳлари ўзаро беллашди. Жамоалар касбий маҳорат, кино дубляж санъати кўриги, сардорлар беллашуви, «Ҳарбий хизматчи таътилда» сингари бир нечта шартларда ўз иқтидорларини намойиш этишти.

Кўрик-танлов давомида иштирокчилар ўзларининг касбий маҳоратларига оид кўргазмаларни чиқишлар қилишди. Айтиш керакки, ҳар соҳадан бир шингил йўналишида Ватанимиз тарихи ва бугуни, санъат, адабиёт ҳамда ҳарбий соҳага оид саволларга берилган аниқ жавоблар ҳарбийларимизнинг нечоғли юқори билим ва савияга эга эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Танлов жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан жамоаларнинг чиқишлари ҳолис баҳолаб борилди. Яқунли натижаларга кўра, биринчи ўрин «Водий шунқорлари» жамоасига насиб этди.

«Туркистон-пресс».

КИНОФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтда «Кино ва телевидениеда спорт» мавзусидаги халқаро фестивал бўлиб ўтди. Унда 100 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этди. Мазкур танловда Гран-при мукофотини қўлга киритган иштирокчилар фестивалнинг Италияда бўлиб ўтадиган яқунли босқичида қатнашиш имконига эга бўлишди.

Буй йил фестивал доирасида намойиш этилган режиссёр Хилол Насимовнинг «Фақат галаба», «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда «Қалқон» киностудиясида суратга олинган «Чавандоз» фильмлари, шунингдек, португалиялик кино ижодкорлар томонидан яратилган Криштиану Рональдонинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фильм-портретлари томошабинларда

катта таассурот қолдирди. Фестивалга Қозғистон, Эрон, Польша, Германия, Италия сингари давлатлардан келган кино мутахассислар томонидан Гран-при совриндорлари аниқланди.

Тошкент фестивалнинг яқунли натижаларига кўра, кинооператор Анвар Аваз-хўжаевнинг «Олтин камар» фильми «Олимпиада шон-шухрати музеи» ва «Пекин зафарлари» деб

ВЕНАДАГИ ТАҚДИМОТ

Жорий йил июль ойи бошларида Австрия пойтахти Венада ўзбек маданияти ва санъати тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур тақдимот Фонд форум, Вена шаҳар хокимияти, Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси ҳамда информатсион кувват «Society» дипломатик журнали ҳамкорлигида ташкил этилди.


Европанинг энг муҳташам биноларидан бири — Олмонча Wiener Rathaus бўлиб ўтган тадбирда расмий, дипломатик ва ижтимоий доира вакиллари, Австрия маданияти ва санъати арбоблари ҳамда ўзбек маданиятига қизиқувчилар иштирок этди. Тадбир доирасида азим пойтахтнинг 2200 йиллигига бағишланган «Тошкент: кеча ва бугун» номли фотокўргазма ўтказилди. Кўргазмадан жой олган 100 га яқин қадимий Тошкент фотосуратлари ва замонавий муаллифлар асарларида XX аср бошларидан токи бугунги кунга қадар бўлган ўзгаришлар жараёнлари тўла ақс эътирилган.

«Туркистон-пресс».

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЙИРИК МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга оид вазифалар белгилаб берилган. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз кутубхона тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда кутубхона ишига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда.



Қисқа вақт ичида мамлакатимиз кутубхона тармоғи тўлиқ қайта ташкил этилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли 5748 та кутубхона Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилди. Вилоят илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли 14 та ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди.

1918 йилда у мустақил муассаса сифатида фаолият кўрсата бошлади. Дастлаб мазкур кутубхонада соҳалар бўйича кичкина фонд бўлган. Аввал «Миллий кутубхона» номи берилган ушбу маърифат маскани фонди асосан кутубхоначиларнинг сай-ҳаракати, шунингдек, ўша даврда фаолият кўрсатган маърифатпарварлар томонидан топширилган китоблар ҳисобидан бойитилган. Ўша йиллари кутубхона 39 та газета, 73 номдаги журнал олиб турган. 20 йил мобайнида унинг фонди 20 минг нусхага кўпайган.

Айни пайтда «Турон» ахборот-кутубхона марказининг китоб фонди 381 мингтадан ошди. 2 минг нафардан ортиқ доимий китобхона эга. Ўз вақтида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Фафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Шўхрат, Саид Аҳмад каби кўпқаб таниқли ёзувчилар ушбу кутубхона хизматида фойдаланган. Утган асрнинг 50-йилларида бу ерда шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган «Сайёр» кўчма кутубхона ҳам ташкил этилган.

«Турон» ахборот-кутубхона маркази томонидан вилоятлардаги мактаблар,

коллеклар, лицейлар ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, қатор вазирликлар кутубхоналари билан доимий услубий ишлар амалга оширилди.

Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилли доирасида турли тадбирлар — кўчма кўргазмалар, библиографик шарҳлар, адабий кечалар ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилар учун турли хил услубий материаллар, тавсиялар, эс-даликлар тайёрламоқда. Кўчма кутубхоналар, кўргазмалар ташкил этиб, жойларда аънавий кутубхона йўналишлари ва ахборот технологиялари соҳасида маслаҳатлар бермоқда. Мазкур марказлар ходимлари Тошкент ахборот технологиялари университетида, Республика ахборот-кутубхона маркази ҳузуридаги турли ўқув курсларида ўз малакасини оширган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда кутубхона тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган кенг қўллами, изчил ишлар бераётган юксак самаралардандир.

Виктор НИКОЛАЕВ, УзА муҳбири.

Бир шикоят узидан

Тахририятимизга Паркент тумани «Чўққайма» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан шикоят хати келди. Унда ёзилишича, илгари маҳалла худудида пиллахона бўлиб, унда аҳоли пилла етиштириш билан шуғулланар экан. Кейинчалик пиллахона фаолияти тугатилиб, хусусийлаштирилди.


«Уша вақтда «ана энди бу ерда тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилса, ишсиз юрганлар ишли

бўларди» деб умид боғлагандик, — дейилади мактубда. — Лекин орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамай, умидимиз ушалмапти. Қайтага пиллахонанинг 6 та биноси бузилиб, ер майдони ноқонуний равишда тураржой учун сотиб юборилляпти. Устига-устак маҳалламиз аҳолининг пиллахонага кириб бравершидаги 20 сотих ерда болалар учун спорт майдончаси қуриш нияти ҳам ниятлигича қолчи кетаяпти...

ларини сотишга мажбур бўлдим. Сотиб олаётган одамларга бу ерда уй-жой қуриш мумкин эмас, деб огоҳлантирганман.

Шундай қилиб, 8 йил давомида собиқ пиллахонадан мақсадли тарзда фойдаланилмаганлиги учун у қаровсиз ва ташландиқ ҳолга келиб қолди. Қизиқ, қанчадан-қанча тадбиркорлар халққа фойдам тегсин

триб ўтиришган бўлса? Дарҳақиқат, 2008 йилдан бошлаб Абдуғани Аширматов пиллахонани аста-секин талон-торож қила бошлади. Биринчи бўлиб, 15 июль кунини Тошкент шаҳри Чилонзор туманида яшовчи Карима Шариповага 2 минг метр квадрат майдондаги бостирмини 1 миллион 718 минг сўмга сотиб юборди. Бунини карангки, харидор



қилинмаган, ҳеч бир фуқаро иш билан таъминланмаган. Пиллахона эгасининг кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, Ўқтам Йўлчиевнинг сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда Одилжон Узаматовнинг тегиримон хизмати бўйича ваъдалари ҳавода, режалари қоғозда қолиб кетмоқда. Пиллахона худудига бирор технология олиб келиб, иш бошлаш ўрнига бу ердаги бинолар қаёққадир гумдон қилинаётганини қизиқ.


— Оиламиз катта бўлгани учун ҳовли-жой керак эди, — деди «Чўққайма» маҳалласида яшовчи Қутбидин Кўчқоров. — Пиллахонанинг ер майдонлари унустка учун сотилаётганини эшитиб, 8 сотих жой олишга қарор қилдим. Бунинг учун туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Тўлқин Холовга мурожаат қилдим. У киши менга пиллахона ерини уй-жой учун сотиш

мумкин эмаслигини айтди. Аслида уй-жой қуриш учун сотиб юборилаётганини тўғрисидаги гап-сўзлар йўқ эмас. Агар бундай бўлмаса, у майдонларини сотиб олаётганлар нима учун хануз бирон ишни бошлашмапти?

Сузимиз сўнгида шикоят хатида келтирилган спорт майдончаси хусусида. Ҳақиқатдан ҳам маҳалла худудида болалар учун спорт майдончаси йўқ. Маҳаллий аҳоли пиллахонанинг қаровсиз ётган 20 сотих ерини спорт майдончаси учун ажратиб беришларини сўраб, кўп бора «пиллахона эгаси» Абдуғани Аширматовга мурожаат қилишган. Ниҳоят, у бунга розилик берган. Лекин, у бу сафар ҳам лафзда турмади. Чунки орадан 3 ой ўтган бўлишига қарамай, ҳеч қандай амалий натижа кўзга кўринмапти.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

САККИЗ ЙИЛ АВВАЛГИ ВАЪДАЛАР ҚАНИ?



лотта харидор топилмабди...

«Тадбиркор»нинг гаплари худди Азиз Несиннинг ҳажвияларига ўхшайди. Уйлаб қоласан киши, бу соддаликми ёки айбни хаспўшлшми? Ахир, қайси тадбиркор бозорни ўрганмай туриб, бирон ишга қўл уради?

— Пиллахона худудида тадбиркорликни юргизаман деб, шунча ҳаракат қилдим, — деди Абдуғани Аширматов. — Лекин ҳамма ишлар чаппасига кетиб, бутунлай банкрот бўлдим. Сарфлаган пулларимни ким тўлайди? Шу сабаб пиллахона бино-

деб, йўқдан бор қилишаётганда тайёр имкониятдан йиллар ўтсада фойдаланилмаётганини қандай тушуниш мумкин? Мулк сотиб олинаётгандаги мажбурият қаерда қолди? Наҳотки, мутасаддилар шунча вақт бу муаммо олдидан қўл қовуш-

СУРАТЛАРДА: пиллахонадан мана шу харобалар қолди. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

Бўка тумани марказидаги "Холис-сервис" масъулияти чекланган жамиятига қарашли шохобчаларда аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан ташқари маънавий хизмат кўрсатиши ҳам йўлга қўйилди.

Айни кунларда шохобча томонидан соч турмаклаш, элита пардалари тикиши, келин либослари учун буюртма олиш каби хизмат турлари бажарилмоқда. Булардан ташқари уяли алоқа телефонлари ҳам зарур хизмат кўрсатилади.

Шерзод Қодиров савий-ҳаракати ва ташаббуси билан ҳозирда тадбиркорлик шохобчасида ўндан ортиқ одам меҳнат қилаётди. Яқин кунлар ичида эса яна 5-6 та янги иш ўринларини очиш ниятида.

— Масъулияти чекланган жамият қошида автосервис хизматини йўлга қўймоқчимиз, шунингдек, эҳтиёт қисмлари сотишга ихтисослашган дўкон очишни ҳам режалаштиряпмиз, — дейди биз билан сўбтада тадбиркор Шерзод Қодиров. — Агарда шу ишларимиз амалга ошса, яна ўн нафар кишини иш билан таъминлаш имконияти туғилади.


Ашурали БОЙМУРОВОВ.

Чиноз туманида мактаблар яна биттага кўпаядиган бўлди. Янги 3-мактаб 630 ўринга мўлжалланган бўлиб, қурилиш ишлари шу йилнинг январь ойида бошланган. Мактабда қатор спорт турлари билан шуғулланиш мумкин бўлган ёпиқ спорт зали ва очик майдончалар бор. Фан кабинетлари керакли жиҳозлар билан таъминланган.

Мактаб қурилиши учун 1 миллиард 648 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозир пардозлаш ишлари якунланиш арафасида.

СУРАТААРДА: (чапдан) уста Муроджон Тожиев ва ишчи Дадахон Абдуҷалилов иш устида; мактабнинг умумий кўриниши.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Маҳаллада нима гун?

— Тинчлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик ҳаётимизнинг бебаҳо неъматлари. Булар моддий-маданий турмушимиз муттасил яшилгани бориши, мамлакатимиз иқтисодий бартўрор ривожланиши асосидир... Янги йўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғининг "Қирсадоқ" маҳалласи оқсоқоли Очил Баратовнинг ушбу теран мулоҳазалари ўринли, албатта.

ҚИРСАДОҚНИНГ ОҚСОҚОЛИ

Ҳаёт синоатлари чиниктирган, ҳар жиҳатдан тобланган кишиларга хос доширмандлик унинг фикрларида баралла сезилиб турипти. Ҳамиша одамлар орасида, уларнинг дарди билан яшаш оқсоқолнинг ақлини чархлаб, хотирасини тиниклаштириб юборган.

— Маҳалламизда 9 мила-лат вакиллари бир оила Фарзандларидек яшашпти, — ҳикосини давом эттиради оқсоқол. — Бу маънавий-ахлоқий тарбияга зукколик билан ёндошишни тақозо этади. Бир томондан, барча миллат ва элларнинг этник-маънавий хусусиятини ҳисобга олиш, турли динларга эътиқод қилувчи миллат вакиллари қадриятлари, анъаналари, удув ва урф-одатларидаги ўзига хосликка ҳурмат-эҳтиром билан қараш, иккинчи томондан, улардаги туташ нуқталарни топа билиш ниҳоятда муҳим. Айни шулар маҳалла аҳолисининг тинч-тотув яшаш, ўзаро кирди-чиқдилари, оқибатини барқарорлаштирувчи асосий омиллардир.

Давлатимиз раҳбари ёшларни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимиз ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш бугун долзарб вазифага айланганлигини алоҳида таъкидлайди. Чунки, ёт диний оқишлар, турли ақидапарастлар замонвий ахборот технологияларидан фойдаланиб, мурғак қалбларни захарлаш, ёшларни хатарли йўللарга бошлашга интилоқдалар. Йигит-қизлар ёт ғоялар, жоғил ақидапарастлар таъсирига тушиб қолмасликларини учун уларда мафқуравий

иммунитетни мустаҳкамлаш зарур.

Ўсирилган ўртада маънавий-тарбиявий ишлар таъсирчанлигини кучайтиришда ички ишлар, прокуратура ва суд идоралари билан яқин ҳамкорлик қўл келаяпти. Маҳалладаги умумтаълим мактабидан бундай урчушлар мунтазам ўтказилмоқда. Натихада ўқувчиларнинг диний экстремизм, ақидапарастлик ва гиёвандликнинг илдизлари, уларнинг ёшлар тафаккурига таъсири қандай оқибатлари келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги тушуночалари кенгайиб бораётапти.

Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йилда "Қирсадоқ"да янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни ишга жойлаш масалаларига эътибор қўйирилади. Ип-калага ишлаб чиқарувчи хусусий қорхонада Ниёзбош, Эски Қовунчи, Халқобод қишлоқларининг ўнлаб йигит-қизлари ишга жойлашиди. Қорхона ёнидаги эски бинода тўқши чехини очиш ҳаракати бошлаб юборилди. Банкрот бўлган темир-бетон заводида шифер ва цемент ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ҳам иш ўринлари кенгайишига олиб келаяпти.

— Ёшлар тарбияси мурқаб масала, — деди сузининг ақлида оқсоқол. — Бу иш алоҳида оғоҳлик, диққат-эътибор талаб қилади. Биз маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириб, эл-юрти, Ватанини чин дилдан севувчи, мустақиллик ғояларига садоқатли навқирон авлодини камол топтирмаймиз.

Жўрабек МУРОВОВ.

"Республика Кўчас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидан ўтказиладиган оқик аукцион савдосига тақлим этилди!

Аукцион савдосига Янгиёул шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан, Зангиота тумани ФНБ судининг 24.03.2009 йилдаги 1597-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиёул шаҳар, Беруний кўчаси, 1А-уйда жойлашган, 4 та хонадан иборат, 22-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 35 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 18 август кун соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабдорлар диққатига! Юқоридаги кўчас мулк 2009 йил 18 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчас мулкни сотиш юзасидан тақририй аукцион савдоси 2009 йилнинг 8 сентябрь кун бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржаининг www.kmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

"Ойлик маошнинг муайян қисми пластик карточкага ўтказилаётгани жуда қулай экан", — дейди бир таъинимчи.

Тўловни тез ва осон амалга ошириш имконини берадиган тўлов пла-

стик карточкаларидан бугун мамлакатимизнинг инсталган бурчада фойдаланиш, унда чекланмаган миқдорда пулни сақлаш, зарур пайтда терминал ёки банкوماتлар орқали нақд пул олиш мумкин.

Карточкадаги маблағлар фақат унинг эгаси билан бирга парол (PIN-код) билан химояланган ва йўқотиб қўйилган тақдирда, қайта тиклаш имконияти мавжуд.

Бундай ишончли, қулай ва фойдали пластик карточкаларга аҳолининг қизиқиши охири бормоқда ва тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими тобора ривожланимоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 3 августда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бор борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида муомаладаги пластик карточ-

калар сони кескин қўпайиб, савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб терминаллар ўрнатилди. Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга ошириладиган банкларга тўлов тизими яратилди. Қатор маҳаллий қорхоналар томонидан банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш борасида оlib борилаётган бундай кенг қўламли иш-хотлар ўз самараларини бермоқда. Буни очик ақшадорлик тижорат "Алоқабанк" мисолида ҳам кўриш мум-

Кибрай туманидаги Кибрай қишлоқ ҳўжалик касб-хўнари коллежи томонидан Исҳоқжаев Пулат Раҳимович номига берилган К № 1408438 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьяное свидетельство о включении в единый реестр предприятий, выданное Управлением статистики г. Ташкента Ташкентскому областному отделению Обьединения военных-ветеранов (интернационалистов) Узбекистана, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Общество с ограниченной ответственностью "FINANCE TRUST" (ИНН 206982233) сообщает об уменьшении уставного фонда с 100 000 000 сумов до 5 000 000 сумов.

Претензии принимаются в течение 1-го месяца со дня опубликования объявления по тел.: 241-29-20.

Савдога қўйилган кўчас мулк билан шаҳар суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳўжатига ижро ҳўжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ЖИИИ 200933850, Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ураббоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.kmb.uz

Хотира азиз

СЎНГГИ ЛУТФ

Уни эсламасдан туролмайман. Сиймоси ногаҳон кўз ўнгимда жонланадию, ўзига хос табассум билан ҳаёл оғушида узоқ туриб қолади. Билмадим, бу қандай ҳолат, қандай мўъжизаки, эслашга арзиғулик қанча-қанча қадрдонларим бўла туриб, улар орасида биринчи навбатда унинг қиёфаси ярқ этиб кўзга ташланади. Уйлаиб қоламан. Кейин саволимга жавоб топгандек бўламан.



Биз Пулатжон билан қадрдон эдик. Нафақат қадрдон, балки бир қишлоқда ўсиб катта бўлганимиз. Мактабда бир синфда ўқидик. Бўй етиб, севдик, севилдик. Уни тез-тез эслашимнинг боиси, мана шу ҳаёлимга бир умр муқрлашиб қолган ёрқин хотираларнинг махсули бўлса керак, деб ўйлайман.

У санъатни севарди. Адабиёт жону дили эди. Қўлидан китоб тушмасди. Ҳамиша ҳаёл оғушида учратардим уни. Кейин билсам, ўша давлардаёқ у шеърятга меҳр қўйган, шеър дарди билан ҳаёли парижон экан. Адабиёт, шеърятга бўлган илоҳ ва ҳавас уни журналистикага бошлади. Мактабни битириб, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) филология факультетининг журналистика бўлимига ҳужжат топширди.

Биринчи шеъри матбуотда босилиб чиққани эсимда. Ушанда 1959 йилнинг баҳори эди. Шеърнинг номи эсимда йўқ. Лекин баҳор мавсумига бағишланган ушбу шеър "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган эди. Мана шу руҳ, мана шу рағбат уни шеърятга бўлган ҳавасини янада оширди. Тинимсиз машқ қила бошлади. Устоз шоирларнинг шеърини дostonларини ўқиб, ўрганди. Университетда ўтадиган ижодий кечаларда фаол қатнашди. Кундалик газеталар оstonасидан кетмади. Ундаги иштиёқмандлик, билимга бўлган чанқоқликни сезган "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририяти Пулатжонни қуръерлик (дастурлик) вазифасига қабул қилди.

Кечкида ўқиб, кундузи ишлади. Тахририят иккинчи ўйига айланди. Энди унинг деярли бўш вақти йўқ эди. Дам олиш кўнларини ҳам шеърини машқлар билан ўтказди. Мақола ёзди, тахририятнинг топширқларини бажарди. Газета саҳифаларида бирин-кетин шеъри, мақоласи, ахборотлари босила бошлади. У даврий нашрларда чоп

этилган барча жанрдаги машқларини бирма-бир эринмай қайд этиб борди. Бугун унинг ижодхонасига кирган киши дўстимиздан ёдгорлик бўлиб қолган катта-катта альбомларга қўзи тушади. Уларнинг саҳифасини бирма-бир арақла-сангиз Пулатжоннинг ўзига хос бугун бир ҳаёти кўз ўнгингизда намоён бўлади. Булар журналистнинг умр бўйи тулган хазинаси, бойлиги.

Унинг меҳнат дафтарчасида анча-мунча битиклар бор. "Тошкент ҳақиқати", хозирги "Ўзбекистон овози", "Тошкент бинокори", Чиноз ва Тошкент туман газеталари ва ниҳоят "Ўзбекистон Ахборот агентлиги".

У қарда ишлаганимиз ўз касбига содиқ қолди. Шеърятга ошнолигини йўқотмади. Унинг "Кўёш фарзанди" номли шеърини китоби фикримизнинг қадридир.

Пулатжоннинг бир қанча шеърларига мусиқалар ёзилиб, машҳур хонандалар томонидан радио тўқинлари, ойна жаҳон мусиқий кўрсатувлари орқали янгради. Унинг Тошкент тумани газетасининг ташкил этилишидаги фаолияти ҳақида бир-икки оғиз гапирмай иложимиз йўқ. Сабаби, янги газетани ташкил этиш машаққатини журналистлар яқин билишарди. Бу аслида йўқдан бор қилишдек гап. Бунинг учун эса кишида ташкилотчилик, обуру-эйтибор, ўзгаларга сузини ўткази олишдек қобилият бўлиши керак. У елди-югурди, керакли ташкилотлар билан гаплашди. Тахририят учун мўлжалланган бинони қайта таъмирлади. Бино атрофини ўраган ахлатхона ўрнида гул ва мевали дарахт қўчаларни пайдо бўлди. Раҳбарият билан келишиб, тахририят ҳодимлари сонини аниқлаб олди. Газетада ишлаш хоҳишини билдирган журналистларни ўзи кўриб ёшовдан ўтказди. Икитдорли ёшларни ишга қабул қилди. Нашрнинг биринчи сони чиққан кун жамоа аъзолари учун байрам

бўлди. Газетани қўлма-қўл ўтказган оқсоқоллар тахририят ишига муваффақият тилашди.

Бу нашр Пулатжон раҳбарлигида ўн йиллар чамаси чиқиб турди. Кейин уни "Ўзбекистон Ахборот агентлиги"га ишга тақлим этишди. Бу ерда у агентликнинг энг катта, қишлоқ ҳўжалиги бўлимини бошқарди.

Тинимсиз меҳнат, ижодий жараён аста-секин унинг соғлиғига путур еткази бошлади. У юрак касаллиғига чалинди. Пенсия ёшига етган, касаллик туфайли иш столини тарк этишга мажбур бўлди. Шундай бўлса-да, у тахририятлар билан алоқасини ўзмас, биз қадрдонларни тез-тез уйига чақириб турар, бир пиёла чай устида сўхбатлашни ёқтирарди.

Шундай кўнларнинг биридан ишхонамиздаги телефон жиринглаб қолди. Гўшақдан дўстимнинг овози эшитилди.

— Нима қилиясан? — деди у салом-аулодан сўнг.

— Иш қил, — дедим қисқина жавоб қилиб.

— Менга қара, журналистнинг иши тугамаган. Кечқурун бизниккага бир кириб ўтсанг, сен ёқтирган таом — қўй гўшидан чўчварга қилди-рапман.

Уша кўни бошқа юмушлар чиқиб дўстимникига боролмадим. Эртасига Пулатжоннинг тўсатдан вафот этганлиги ҳақидаги ноҳуш хабарни эшитиб қотиб қолдим. У бир кун олдин мени уйига беҳиз тақлим қилган экан-да, деган фикр ўти ҳаёлимдан. Дўстим мен билан охириги марта сўхбатлашиб, қадрдон дийдорига тўймоқчи бўлган экану, мен ишдан ортиб унинг олдида боролмай қолсам-а... Афсус, афсус. Мана шуниси менга армон бўлиб қолди!

— Лекин Пулат Нишоновдан эсласа арзиғулик хотирлар, шеърини китоблар, туркум қўшиқлар қолди. Бугунги кунда ҳам унинг газалари машҳур ҳофизлар репертуарини беэза туртибди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ЮРАК

Қалб-рубобим, торларингни черт, Бугун бахтини қуйламоқ чоғи. Унга ҳўр бўл, шўрим бўлоғи, Гўл ҳаётини, севгини мадҳ эт!

Умидсизлик сенга ёт бўлсин, Эзгу орзу инсонга тиргак. Ишқи билан ёнганда юрак — Юрт боғлари қуйларга тўлсин!

Тошни ўйиб мисра битмасанг, Малол келар олмоқлик нафас. Яшамонгиз бекдордир абад — Ватан учун хизмат этмасанг!




Дунё ташвишидан бўшамас одам, Гўё олам юки елмасанг эзар. Халғга келмайди, хатто, баъзи дам Оналарни йўқлаб қўймоқлик бир бор.

Оналар яшамас мол-дунё учун, Уларга керакмас соғла-саломлар. Улар соғинади бизни туну кун, Ютиб чиқадилар қайғу, аламлар.

Қани, яқин келиб қулоқ солайлик, Қалбларин не кийнар, нимадан ноҳуш, Совғасиз бўлса ҳам бориб билайлик, Балки яна бизни қуришгандир туш... Пулат НИШОНОВ.

Ёз ойларида ҳавонинг қаттиқ исиши чорва моллари орасида турли юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Халқаро эпизоотик бюро томонидан тақдим этилган расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Ангола, Баҳрайн,

Миср, Израил, Хитой, Кувайт, Ливан, Ливия, Намбия, Бирлашган Араб Амирлиги каби мамлакатларда ҳайвонларнинг оқсил, Қозонстонда бруцеллез, Ангола, Италия, Индонезия, Қирғизистон давлатларида қутурши касалликлар қайд этилган.



ОГОҲЛИК - ЭНГ ИШОНЧЛИ ТЎСИҚ

Мамлакатимиз ҳудудига ушбу касалликлар кириб келишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош қўшармаси бошлиги Нурбек Йўлдошев қўйидаги гапириб берди:

— Ушбу касалликлар кўплаб давлатларга катта иқтисодий зарар келтириш билан бирга, одамлар ҳаётига ҳам хавф солмоқда, — дейди Н. Йўлдошев. — Мисол учун, қутуриш ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, марказий нерв системасининг оғир шикастланишига олиб келади. Бруцеллез ҳам одамларга жониворлар орқали юқади. Мамлакатимизда мазкур хасталиқнинг қайд этилмаган бўлса-да, эпизоотик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, четдан юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида жойларда изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз ҳудудига оқсил касаллиги бўйича эпизоотик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида мулк шаклидан қатъи назар барча мол ва деҳқон бозорларида,

қушхона, чорва молларини сўйиш майдончаларида, гўшт мўрақларида чорва моллари миграцияси устидан давлат ветеринария назорати янада кучайтирилди. Ушбу касалликка қарши эмлаш учун бугунги кунда зарур даражада вакцина захираси мавжуд. Нафақат оқсил, балки бошқа касалликларнинг олдини олиш мақсадида юртимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадоғ 79 туманидаги аҳоли қаромоғидаги ҳайвонларни эмлаш мақсадида 640 махсус гуруҳ ташкил этилди.

Шунингдек, чегара ҳудудларида ветеринария назорати кучайтирилмоқда. Ҳозир давлатлараро чегара ҳудудларида йигирмадан зиёд давлат ветеринария назорат пункти ишлаб турибди. Улар томонидан бериладиган махсус руҳсатнома бўлмаса, четдан олиб келинаётган чорва ва чорвага тегишли махсусотлар юртимизга ки-

ритилмайди. Шунга кўра, юқумли касалликлар қайд этилган давлатлардан руҳсатномасиз олиб келинган бир неча тонна гўшт-сут ва ундан тайёрланган махсусотлар мамлакатимиз ҳудудига киритилмади.

Айни пайтда мазкур касалликларнинг олдини олишда чет мамлакатлардаги, жумладан, қўшни давлатлардаги эпизоотик вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш энг муҳим омиллардандир. Шу боис хорижий давлатлардаги эпизоотик вазият бўйича доимий мониторинг ташкил этилган бўлиб, Халқаро эпизоотик бюро билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Бундай касалликларга қарши курашда оғоҳлик энг ишончли ҳимоядир. Аҳоли орасида юқумли касалликлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида 8 турдаги касалликлар бўйича икки мингдан

зиёд махсус плакат тарқатилди. Ушбу касалликлар қайд этилган давлатлардан чорва моллари ва махсусотларининг мамлакатимизга олиб келинишини тақиқлаш тўғрисида Республика бош давлат ветеринария инспекторининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, давлат чегараларидан ўтиш жойларида фаолият кўрсатаётган чегара давлат ветеринария назорат масканлари кекаю кундуз узлуқсиз ишлаши учун зарур дезинфекцияловчи моддалар билан таъминланган. Аэропорт, темир йўлларда ветеринария назорати янада кучайтирилди. Оқсил, сил, бруцеллез ва қутуриш касалликларини мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан доимий давлат ветеринария назорати олиб боришмоқда.

Кўрилган ана шундай изчил чора-тадбирлар туфайли ҳозирги кунда юртимизда ҳайвонлар ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича эпизоотик барқарорлик сақланиб турибди.

УА мухбири Сайёра ШОЕВА ёзиб олди.

Саломат бўлинг

АНГИНАНИНГ ОДДИЙ ДАВОСИ


Томоқ оғриғида инфекцияларни ўлдирish учун уни тез-тез ўтлардан тайёрланган дорилар билан чийиб туриш кераклигини кўпчилик билади...

Лекин болаларни томоғини чайишга кўндирish осонмас. Табобатда ангинани даволашнинг бошқа самарали усуллари ҳам бор. Улардан бири прополис, яъни асалари елимлари (мумини чайнашдир. Бунинг учун нўхатдек катталикдаги прополис бўлагини олиб, секин-аста чайнаб ютиш керак. Прополис муолажаси ўз натижасини кўп куттирмайди. Томоқдаги шишлар тезда қайтиб, оғриқ ҳам йўқолади. Бир кунда камидан 5 грамм прополис чайнаб, ютиш шифо учун етарли.

Бу - қизик

Кўзи ОЖИЗ ҲАЙДОВЧИ

1999 йили Стив Каннингҳам профессионал ўргатуви мураббий раҳбарлиги остида энгил автомобилни соатига 236 километр тезликда бошқара олган. Автомобилнинг энг юқори тезлиги соатига 1000 километрдан ошса-да, бу кўрсаткич рекорд, деб тан олинган. Чунки, автомобилни бошқарган кишининг кўзлари кўр эди.



МАЙМУН УЧУН ЖАРИМА

Америкалик полициячи бир машинани тўхтайтиб, рулни шимпанзе бошқараётганини кўрди. Унинг ёнида ўтирган эгаси эса маймуни маҳкам ушлаб турарди. Полициячи ҳеч иккиланмай жайдовчиға жарима солди. Нима учун дейсизми? Тезликни оширгани учунда, албатта! Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

ООО "WIND OF TIME" (ИНН 204726109) сообщает об уменьшении уставного фонда с 5 000 000 сумов до 1 850 000 сумов. Тел.: 555-88-87.

Утеранный диплом о среднем специальном образовании за № АУ 002962 (пр. № 55004), выданный ПТУ-20 Сергелийского района г. Ташкента на имя Полькина Владимира Викторовича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Бундан йисирма йиллар аввалги кишлоқ мактабларини кўз ўнгингизга келтиринг. Бир қаватли, пасткам, кўрмисиз иморатлар, эски-туски парталар, бир неча авлодга хизмат қилиб чарчаган доскаю стол-стуллар, ёзда дим, кишда совуқ, каталакдек синфхоналар... Икки-уч сменалаб ўтиладиган дарслар...

Бугун манзара бутунлай бошқача. Энг олис кишлоқларда ҳам замонавий талабларга жавоб бера оладиган таълим муассасалари барпо этилмоқда. Бир пайтлар кишлоқ мактабларида ўқувчилар компьютер нималигини фақат дарсликдаги суратлару, доскага ўқитувчи чизиб берган махсус схемалар орқали билишган бўлса, ҳозир бошланғич синф ўқувчиси ҳам компьютернинг у ёғидан қириб, бу ёғидан чиқади.

Бугун юртимизнинг бирор туман ёки шаҳри йўқки, унда касб-хунар коллежи ёки академик лицей қурилмаган бўлсин. Телевизор ёки радио қулогини бурасангиз, деярли ҳар кун юртимизнинг у ёки бу бурчагида замонавий болалар спорт мажмуаси ёхуд таълим-тарбия маскани болаларга кучоқ очганидан хабар топасиз.

Айнан анр шу коллеж ёки лицейларда келажакнинг баркамол эгалари, бўлгуси олимۇ фозиллар, кўли гул қурувчию уста хунармандлар тахсил олмақда. Ушбу спорт мажмуаларида келгусида юртимиз шарафини халқорю мусобақаларда ҳимоялашга қодир умидли спортчилар камол топаётди.

Исталган коллеж, лицей ёки мактабга қириб, у ердаги имкониятларга бир назар солинг: энг замонавий компьютер технологиялари, барча зарур адабиётларни ўзида жамлаган ахборот-ресурс марказлари, спорт зали мавжуд, ошхонаю ётоқхоналар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими тахсилни давом эттиришни истаган ёшлар учун исталган олий ўқув юртида билим олий имконини беради. Хар йили минглаб ёшлар олий ўқув юрти талабаси деган номга муяссар бўладилар. Юртимиздаги олтимиздаги олий таълим муассасаларида юзлаб мутахассисликлар буйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Юртимизда тadbиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан эътибор ёшларимиз ҳаётида ҳам ўз самарасини

бераётди. Мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз корхонаси ёки фермер хўжалигини ташкил этиб, ҳам ўз оиласи, ҳам юрт фаровонлигига хисса қўшаётган ёшлар озмунчамми?!

Бир пайтлар отаси бригадирлик қилиб, касоси оқармай келган бўлсаю, бугун унинг ўғли ўнлаб гектар ерни бошқариб, янги "Нексия" ёки "Ласет-

матни аёло даражада ўтаса, ўқишга кириш имконияти янада кенгайди. Ишлайман деганлар учун ҳам шароитлар етарли. Фақат истак ва ҳавас бўлса бас. Тadbиркорлик ёки фермерлик ҳавасида юрганлар учун ҳам йўл очилди. Хуллас, икити дорли, билимли, қобилиятли ёшларимиз учун имкониятлар қочланмаган. Узининг порлоқ келажакни пой-деворини яратиши учун

оғоҳ бўлганида, гишт қилинган кўчган, ўғил гиҳвандлик ботқоқидан чиқа олмайдиغان ҳолатга тушиб бўлган эди... Гиҳвандлик бугунги кунда бутун дунё ахлини ташвишга солаётган муаммолардан бири бўлиб қолаётди. Бир лаҳзалик лаззат учун бутун умрини қурбон қилишга тайёр ёшлар, афсуски, бизнинг орамизда ҳам учрайди. Бу оғу не-не умрларни хазон қилаётди, гулдек йигит-қизлар

касаликка чалинаётганларнинг асосий қисмини ахлоқий бузуқ ҳамда гиҳвандликка берилган кимсалар ташкил этиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, ОИТС фахш ва наркоманиянинг бир қориндан талашиб тушган қондоши, десак, музолага бўлмайди. Поклик, озодлик, соғлом турмуш тарзини ўзига шior қилиб олган инсонга бу бало хавф соломмайди.

Кейинги йилларда чет элга бориб, пул ишлаб келишни қўллаб ёшларимиз келгусидаги фаровон ҳаёт қафолати сифатида тасаввур этмоқда. Ана шу хом ҳаёл илинжида мунофиқ, фирибгар кишиларнинг макрига алданиб, кейин афсус-надоматга ботаётганлар озмунчамми? Яқинда таникли бир олима билан суҳбатлашиб қолганимда бир воқеани айтиб берди.

— Ен қўшнимизнинг бўйи етган боласи хорижга бориб ишламоқчи бўлиб қолди, — дейди опа афсус билан. — Хорижга бораётганларнинг ҳаммаси кўйини-кўнжи пулга тўлиб қайтаётгани, кўплар турли балою офатларга гирифтор бўлаётганини кўриб, уни бу йўлдан қайтаришга уриндим. У эса, барибир айтганини қилди. Орадан икки ой ўтмай, бечора боланинг вафот этгани ҳақида хабар келди. Ота-онаси не кўйга тушганини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бўйингача қарзга ботиб, йигирма кун деганда фарзанднинг жасадини оқиб-келиб, тупроққа қўйди...

Таассуфки, бундай ҳодисаларни тез-тез эшитаемиз. Бундан ташқари одамфоруш малъунларнинг пуч ваъдасига учиб, ўзгаларга қул қилиб сотилаётган йигитларимиз, номуси поймол этилаётган хотин-қизларимиз ҳам йўқ эмас. Диний ақидапарастлик, терроризм, миссионерлик, уюшган жиноятчилик сингари қанчадан-қанча ҳақолат ва қабохат йўллари борки, улардан юрган киши эртами-кечми, албатта, афсус-надомат чангалига тушади.

Шў, ана шундай ачинарли, фариб ахволга тушиб қолмаслик учун нима қилмоқ керак? Хар бир инсон, хар бир йигит-қиз зулфини қокмоқчи бўлиб турган эшик ортида нималар борлиги билан қизиқиб кўрмоғи лозим. Охирини ўйлаб қилинган ишининг оқибати ҳам хайрли бўлади.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида таъкидланганидек, Ватан равнақи аввало шу юрт фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқ. Шундай экан, ёшларимиз жаҳолат, фалоқат эмас, камолот, эзгулик эшиклар томон дадил боришлари лозим. Бунинг учун эса юртимизда барча имкониятлар мавжуд.

Рустам ЖАББОРОВ, Ўза шарҳловчиси.



— Худди онажонимдек чиройли экансиз! Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

ОТА

Умиджон кечқурун ишдан чарчаб келганида хотини бугун аёллар шифокорига борганини, "УЗД" аппаратида хомиласини текширишганини айтди. — Уғилми? — сўради Умиджон юраги ҳарпириб. — Йўқ, қиз экан... — келиннинг гапи оғзида қолди, эри тутаки кетди. — Нима? Қиз? Олдириб ташлайсан, эртагаёқ. Ҳамма! оғайинларимда ўғил, менда эса...

Жанжал устига онаси келиб қолди, гап нимадалигини билгач, ўғлини койиб берди. — Бу нима дегани? Агар ана шундай гап айтсан сендан рози эмасман! Умиджон бир сўз демай зарда билан қичиб кетди. У энди бор аламини хотинидан олиб, арзимас қабилани билан қалтаклайдиган одат қиларди. Замира эса эрига инсоф сўраб, тишини тишига босиб юрарди.

Вақт ўтди, келиннинг ой кунни ҳам яқинлашиб қолди. Умиджоннинг муносабати эса халиям ўша-ўша, совуқ. Хотинини турғунонага олиб кетаётганда ҳам, фарзандли бўлганида ҳам бирор марта касалхонага бермади. Янги меҳмонни ўйга олиб келганида на қаради, на қўлига олди. Онасининг

танбехларюю, хотинининг илтижолари ҳам таъсир қилмади. Аммо... Дам олиш кунни эди. Умиджон ётоқхонада ухлаётганида айвондаги бешикада ётган қизи йиғлаб қолди.

Бироз кутди, биров қараб демасди. Жаҳл билан ўрнидан туриб, хотинини қақирди. Садо чикмади. Негадир уйда ҳеч ким йўқ. Бу ёқда борган сари йиғи авжига чиқипти.

Нойлоз ўзи бешик таспасига келиб, тебратта бошлади. Гудак секин-аста ифтидан тўхтаб, отасига термулиб қолди. Шу онда отанин кўнглига қандайдир ийлик югуриб, аввал ҳис қилмаган ёқимли туйғулар уйғонди. Ич-ичидан меҳр тошиб келиб, қизчасининг майин юзларидан аста силади. Унинг ёқимли табассумидан ўзи ҳам болалардай қувониб кетди.

— Ха, ота бўлиш бошқача бўларкан, — деб ўйлади у. Бир бурчақда пойлаб турган қайнона-келин ўзлари ўйлаб топган ҳийланнинг иш берганидан хурсанд бўлиб, ҳеч нарса билмагандай чикиб келишидан Умиджон қизчасини бешикдан ечиб олай, митти қўлчаларини ўйиб, эркакати ўтирарди. Махбуба ТЕМИРОВА.

Общество с ограниченной ответственностью "AGROTEXSNAВ" (ООО "AGROTEXSNAВ"), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзар-Ц, дом 33, кв. 3 (ИНН 206709474), ЛК-ВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 2 от 09.07.2009г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления.

Утепа (аввалги Акмал Икромов) тумани БТИ томонидан 20.04.2005 йилда Эшонкулова Мархабо Курбановна номига берилган 1680-рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное свидетельство, выданное городским отделом статистики на ДП «ТАСВИРИЙ ОЙИНА – ТАСВИР» (ИНН 203180220), СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ташкент Давлат иқтисодий университетини томонидан 2005 йилда № 625-буйруқ билан Гафуров Элдор Муродиллаевич номига берилган В № 190834 рақамли (реестр рақами № 2392) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташкент маданият коллежи томонидан 2008 йилда Султанова Эъзозахон Хусановна номига берилган К № 1067904 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташкент вилоят адлия бошқармаси, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди жамоалари Тошкент вилоят адлия бошқармасининг собиқ бошқарма бошлиғи Эргаш Анорқулович ХОЛМАТОВнинг вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига қуқур таъзия изҳор қилади.

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиғи жамоаси туманда кўп йиллар самарали меҳнат қилган Эргаш Анорқулович ХОЛМАТОВнинг вафоти муносабати билан унинг ақинларига ҳамдардлик билдиради.

Одам савдоси

ФИРИБГАР



алдаб, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига олиб ўтгач, Замира исми бошқа бир аёлга 500 АҚШ долларига сотиб юборди. Улар ҳеч нарса бўлмагандек ортага қайтилар. Қўлларига мўмай пул тушган аёлларнинг иштакиси очилиб кетди. Улар яна бир неча қиз-аёлларни илтиришга муваффақ бўлдилар. Бу орада Дононинг отаси Намангандан излаб келди. Мархабо худди келишилганидек, ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтди. Кутилмаган ба хабардан лол қолган ота қизини излаб институтга борди. У ерда Дононинг анчадан бери ўқишга келмаётганини эшитган шўрлик ота нима қилишини билмай, қизининг суратини олиб, ички ишлар идорасига боришга мажбур бўлди. Тезкор сурштирув-қидирув ишлари жиноят сирларини фoш этди. Фирибгарлар қўлга олинди, жиноий ишларига яраша жазо олдилар. Шу ўринда афсусларли бир ҳолатга эътиборни қаратмоқ лозим. Жиноятчилар-қу қонун ло-дида жавоб берадилар. Аммо, барибир юксак бир туйғу бор, бу — ор-номус, аёллик шаъни. Ахир уни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди-ку...

Улуғбек ХАМРОКУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ДМҚ Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 25.09.2000 йилда Исроилов Хабибулла Ашбатович номига берилган 453 аусонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мавсум ҳазилли



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

XXI аср инсониятни мисли қурилмаган илм-фан тараққиётига олиб чиқиш баробарида кўз қуриб, қулоқ эшитмаган муҳим иллатларга ҳам рубарў қилди. Улардан бири одам савдоси. "Қора бизнес"нинг энг севдорюмад турига айланиб улғурган ушбу жиноий ҳаракат кишиларнинг узвий ва дахлсиз ҳуқуқларини поймол қиладиган, унинг кадр-қиммати ни камситадиган ваҳишона қилмиш экани бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Хар йили 4 миллионга яқин киши унинг домига тушмоқда. Айрим норасмий маълумотларга қараганда, ушбу "қора бизнес"нинг умумий айланма маблағи 19 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу жиноят ҳам худди терроризм ва диний экстремизм каби давлат чегараларини тан олмаётди...

Энг ачинарлиси ушбу иллат домига кўпроқ аёллар ва болалар илтимоқда. Одам трафигининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унинг қурбонлари хўралиниб, кадр-қимматлари поймол этиляпти. Бу инсонийликка ҳуржунинг энг жирканч кўринишидир... Минг афсуски, одам савдоси корчалонларнинг тузоғига илинаётганлар кам бўлсада, виллоятимиз туман ва шаҳарларида ҳам учраб турибди. Ангрелик Мархабо (исми ўзгартирилган) анчадан бери те-

кин даромад топиш ниятида юрар эди. Ниҳоят, мақсадига эришди. Қунарнинг бирида у Малохат исми аёл билан танишади. Алдо, фирибгарликда шайтонга дарс берадиган бу аёл одам савдоси, фоҳишалик билан шўғулланарди. Унинг қўшини Қозоғистон Республикасига ҳам гўмашталари бор эди. Муқаддам судланган, 4 нафар фарзанднинг онаси, Ангрэн маийши хизмат касб-хунар коллежида фаррошлик қилиб юрган Мархабо яна нафс деб нопок, жирканч йўлни танлади. Хуллас, Малохат янги шериги Мархабо билан ҳамкорликда ишлашга аҳд қилди. Эндиги вазифа нима қилиб бўлсада "мижоз" топиш эди. Шу топда Мархабонинг ёдига ўз уйда ижарада турган Доно Аҳмедова

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Мўассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Файрат ШЕРАЛИЕВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари) Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Улуғбек ХАМРОКУЛОВ